



РАҚАМЛАШАЁТГАН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Авазметова Ирода

Адлия вазирлиги Юристлар малакасини

ошириш маркази бош мутахассиси

Анотация: Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шаклланишининг илмий-амалий асослари таҳлил қилинган. Рақамлаштириш жараёни меҳнат бозорига, ишчи кучига қўйиладиган талабларга ҳамда меҳнат муносабатларига таъсири нуқтайи назаридан кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга қаратилган қонунчилик ислохотлари, жумладан, Меҳнат кодекси ва таълим соҳасидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Адлия вазирлиги томонидан меҳнат муносабатларини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ташаббуслар, хусусан, “MinJust HR” автоматлаштирилган тизими ёрдамида меҳнат таътилларини тартибга солиш механизми ёритилган. Мақолада рақамлаштириш жараёнининг меҳнат бозорига ижобий ва салбий таъсирлари юзасидан илмий-амалий хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, меҳнат бозори, меҳнат муносабатлари, автоматлаштириш, меҳнат кодекси, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, меҳнат шартномаси, “MinJust HR” тизими.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши нафақат табиий эволюция ва илмий-техникавий тараққиёт натижаси, балки иқтисодиётни ривожлантиришнинг етакчи



давлатларининг давлат томонидан тартибга солиш тизимида изчил амалга оширилаётган “рақамли кун тартиби” – ахборот-коммуникация инфратузилмасини шакллантиришдан тортиб рақамли иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлаш тизимини қўллаб-қувватлаш дастурларигача ўз ичига олади.

Меҳнат бозори умумбашарий рақамлаштириш даврида ишчи кучининг миқдорий ва сифат таркибига қўйиладиган талабларни белгиловчи, тегишли малакага эга бўлган ишчилар талаб ва таклифини тартибга солувчи (Аранжин, Нехода, 2019), “рақамли воқелик”га мослаша олмайдиганларни сараловчи институт сифатида ишлайди. Иқтисодиётни рақамлаштириш, бунда биз Грей, Румпе (2015), Артур (2011) асарларига таянган ҳолда, маълум ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш билан бирга инновацион рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнини тушунамиз, бу ерда жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Плотниковнинг (2018) таъкидлашича, рақамлаштириш феномени "рақамли иқтисодиёт"га қараганда кенгрокдир, чунки у нафақат иқтисодий соҳаларга, балки кўпчилик соҳаларга киради. Рақамлаштириш таъсири остида меҳнат бозори ҳам ўзгариб бормоқда.

Шуни ҳам таън олиш керакки, автоматлаштириш, роботлаштириш ва сунъий интеллект меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўзгартирмоқда, иш берувчилар касблар ва иш ўринларининг сифати ва миқдоригаянги талаблар қўймоқда. Аммо олимлар рақамлаштиришнинг меҳнат соҳасидаги ижобий ва салбий оқибатларини ҳам қайд этишмоқда.

Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёни меҳнат муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу жараён меҳнат бозорини замонавий талабларга мослаштириш, самарадорликни ошириш ва иш жараёнларини автоматлаштиришни назарда тутади. Хусусан, 2025 йилнинг 13 февраль куни қабул қилинган қонун билан



Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар асосан меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга қаратилди.

Хусусан, Меҳнат кодексига “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат мажмуида электрон шаклдаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартибини жорий этишни, иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигини белгилаш тартибини ва ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ўзгартиришни назарда tutувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ходимлар кечки ёки сиртқи таълим шаклида ўқиши мумкин бўлган таълим ташкилотларининг турларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимни ишдан бўшатишга тақиқ жорий этилиши белгиланди.

Эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахснинг паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади.

Ушбу жараёнларда Адлия вазирлиги ҳам орқада қолганича йўқ. Сўнги йиллар давомида вазирлик ўз тизимида меҳнат муносабатларини рақамлаштириш борасида анчайин ишларни амалга оширди. Мисол учун Адлия вазирлиги тизимида ходимларга меҳнат таътилларини расмийлаштириш жараёни тўлиқ “MinJust HR” – автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилмоқда.

Мазкур жараённи рақамлаштириш орқали қуйидаги имкониятлар яратилди:

ходим кейинги иш йили учун меҳнат таътилига чиқиш санасини мустақил белгилайди ва ушбу маълумотлар асосида Тизимда ҳар йилги таътиллар жадвали автоматик равишда шаклланади;



Мухим жиҳати! Ишга қабул қилинганига олти ой тўлмаган ходимларга олти ойдан аввалги муддатни белгилашга ҳамда иш йили давридан чиққан ҳолда меҳнат таътиллари кунларини танлашга йўл қўйилмайди (иш берувчи ва ходим ўртасида келишувга эришилган ҳолатлар бундан мустасно).

таътиллار жадвали ходимнинг Тизимдаги шахсий кабинетига автоматик равишда жойлаштирилади ва таништирилади;

таътил бериладиган вақт тўғрисида таътил бошланишидан камида 15 кун олдин Тизим орқали ходимнинг шахсий кабинетига автоматик равишда хабарнома юборилади;

ходим томонидан хабарнома билан танишилгандан сўнг Тизимда тегишли босқичлар белгиланади ва шакллантирилган маълумотлар кадрлар соҳасига масъул таркибий бўлинмага юборилади;

мазкур маълумотлар асосида меҳнат таътили бериш ҳақида буйруқ лойиҳаси автоматик шаклланади ва кадрлар соҳасига масъул таркибий бўлинма томонидан иш берувчига киритилади;

ходим буйруқ лойиҳаси тасдиқлангунига қадар меҳнат таътилига чиқиш билан боғлиқ шартларни ўзгартириши ва бу жараёни кузатиб бориши мумкин;

ходимнинг меҳнат қонунчилигидаги кафолатлари ва фойдаланилмаган таътил кунлари билан боғлиқ маълумотлар тегишли ахборот ресурс базаларидан интеграция орқали автоматик шакллантирилади (масалан: 18 ёшга тўлмаган шахслар;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар; тармоқ тизимида кўп йиллик ишлаган даври; 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болали ходимлар ҳақида ва бошқа).



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аранжин, С., & Нехода, О. (2019). Рақамлаштириш ва меҳнат бозори: янги чақириқлар.
2. Грей, Дж., & Румпе, Б. (2015). Рақамли иқтисодиёт ва унинг ижтимоий таъсири.
3. Артур, Б. (2011). Технологик тараққиёт ва иқтисодиётда рақамлаштириш жараёни.
4. Плотников, В. (2018). Рақамлаштириш феномени: иқтисодиёт ва меҳнат бозорига таъсири.
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (2025 йил 13 февраль).
6. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий маълумотлари (“MinJust HR” тизими ҳақида).